

ОФАРИН, ҲИММАТИ БАЛАНД ФЕРМЕРЛАР!


Биринчи теримдаёқ давлатга пахта топшириш шартномавий режасини бажарётган фермер ҳўжаликлари сафи кун сайин кенгайиб бормоқда

№	Фермер ҳўжаликлари номи	Ҳосилдорлик, ц/га
Бўқа тумани		
1	Анор Мухтабар	27,8
2	Сардор Сарвиноз Нур	28,3
3	Омад Эгамёр	19,8
4	Норбой ўғли Қодир	25,3
5	Гулшода	27,5
6	Зумрад она	30,0
7	Мурувват	30,6
8	Мадина Роза	52,0
9	Байаул	27,8
10	Рисқелди ота	24,8
11	Омонов Абдулла	30,4
12	Ғижиган	32,1
Оққўрғон тумани		
1	Лочин Абдуқодирбек	30,0
2	Эргаш ота зурриёвлари	28,7
3	Сарбон Самандар	30,0
4	Махлиё	28,7
5	Уста пахтакор Абдували	28,6
6	Музаффархон тўра	30,6
7	Она замин	28,9
8	Улуғбек-1	29,7
9	Дамирбек Мустафо	29,6

Вилоят пахта штабидан олинган маълумотлар асосида тайёрланди.

Пскент тумани		
1	Мирзаев Хусан	30,3
2	Жайнарова Гулзор	30,0
3	Бозорбоев Бахтиёр	29,0
4	Турдиева Кимё	35,4
5	Тожиқон	27,0
6	Қодирова Дилдора	26,3
7	Турдибоев Холбой	26,3
Чиноз тумани		
1	Раҳимбой ота	36,0
2	Хусанов Б	41,1
3	Дилмурод	28,2
4	Шох-Назар-Мухаммад	29,0
5	Диёр Даврон	32,6
6	Чиноз Навбахор улкан	29,2
7	Фарходжон	26,7
Янгийул тумани		
1	Исмоил ота сулолалари	27,4
2	Исломбек барака	26,6
3	Қосимбек барака	27,3
Куйичирчик тумани		
1	Мавлюда	27,3
2	Шулпан Қурбаной	30,8
3	Тхай Валерий	22,8
4	Тошкул	26,1

Замондош



КОРХОНАМ — ИККИНЧИ УЙИМ

— дейди «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик бирлашмасининг марказий механика-таъмирлаш заводи йиғув цехи чилангари Жалолиддин Аҳмедов.

ЭШ ОИЛАЛАР

МАМНУН

Мамлакатимизда ёшларни, жумладан, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Исроом Каримовнинг шу йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун 15 йил муддатга — имтиёзли ипотека кредитлари, уй ҳўжалигини йўлга қўйиш, мебел ва бошқа узок фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш учун истеъмо кредитлари берилмоқда.

«Ипотекабанк»нинг Тошкент вилояти филиалидан ана шундай кредит олган чирчиқлик Баҳодир Жовлиев оиласи икки хонали уйга кўчиб ўтди.

— Тегилли ҳужжатларни банкка топширигач, кўп ўтмай 14 фойзлик ипотека кредити ҳисобидан шу уйни сотиб олдик, — дейди Б. Жовлиев. — Президентимизнинг фармонида мувофиқ берилган бундай имконият ва имтиёзлар ёш оилалар учун катта ёрдам бўлаётди.

«Микрокредитбанк»нинг вилоят филиалига мурожаат қилиб, уч йил муддатга 13 фойзлик имтиёзли кредит олдик, — дейди Тошкент туманида яшовчи Мамура Аҳмедова. — Унга оиламиз учун ошхона ва ётоқхона жамланмаси, кондиционер сингари зарур буюмлар харид қилдик. Бу бутун оиламизга қувонч бағишладик.

Таъкидлаш жоиз, вилоятда аҳолига, жумладан, ёш оилаларга истеъмо ва ипотека кредитлари ажратилиш тартиби юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бундан ташқари банкларнинг ишонч телефонлари орқали кредит олиш масаласи бўйича барча саволларга батафсил жавоб олиш мумкин.

УЗА.

Дарҳақиқат, механика-таъмирлаш заводи кўп тармоқли корхонанинг қон томири ҳисобланади. — Завонинг ўзида уч мингдан зиёд киши меҳнат қилади, — дейди Жалолиддин Аҳмедов. — Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш кўйингки, барча тармоқларда эҳтиёжга яраша шарт-шароитлар яратилган. Шу боис корхона иккинчи уйимиз деб биламиз. Машиин-тиббий хизматлар, овқатлар берилди.

Яқинда бир гуруҳ ишчилар учун Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида бир ҳафталик саёҳат уюштирилди. Эҳ-хей, Ўзбекистонимизнинг ҳар гушаси обод ва кўркем. Мустақиллик шарофати билан рўй бераётган ўзгаришлар бу. Шундай гўзал

Мунаввара РАЖАБОВИ ҚИЗИ.
СУРАТДА:
чилангар Жалолиддин Аҳмедов иш устида.
Муаллиф олган сурат.

Қиш мавсумига тайёرمисиз?

ҲАР ДАҚИҚА ҲАНИМАТ

Юртбошимизнинг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2007-2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганга беш ой бўлапти. Шу даврда Ангрен шаҳрида ушбу қарорнинг ижроси юзасидан нима ишлар қилинди? Шаҳар ҳокимлигининг қурилиш, транспорт ҳамда коммунал масалалар бўйича бош мутахассиси Анорбек Султонов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Август ойининг биринчи ўн кунлигида қишга тайёргарлик ишлари юзасидан амалга оширилган селектир йиғилишида ҳокимликнинг масъул бўлимлари, тегилли ташкилотлар, шунингдек, мавсум омушларига жалб этилган ёрдамчи корхоналар зиммасига Президент қарори ижросини таъминлашга қаратилган аниқ вазифалар оқлатилди, — дейди А. Султонов. — Шу йўналишда амалга оширилган ишларнинг таҳлилий натижаси ҳар кунги штаб йиғилишида муҳокама этиб бориляпти.

Шаҳарда 980 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, шундан 54 таси мукамал таъмирлаш бўйича йил дастурига киритилган.

роларига сабаб бўлади...

— Тўғри фикр. Масаланинг ечими аввало истеъмоли томонидан хизмат ҳақининг вақтида тўланишига боғлиқ, албатта. Ҳаммамиз ҳам қишда уйимизнинг иссиқ бўлишини хоҳлаймиз. Шундай экан, биринчи гада мажбуриятларимизни адо этишимиз керак. Зеро, аҳолининг иссиқлик энергиясидан қарзи катта. Шаҳар ҳокимининг шу йил 24 августдаги «Ангрен шаҳрида етказиб берилган иссиқлик энергияси учун тўлов барқарор амалга оширилмаганиги натижасида ҳосил бўлган дебитор қарздорлики камайтириш, шунингдек, ҳусусий секторни куз-қиш мавсумига узлуқсиз иссиқлик билан таъминлаш мақсадида кўмир билан ишлайдиган алоҳида қозонхоналарга ўтказиш чораларини кўриш тўғрисида»ги фармойишга биноан маълум ишлар бажарилмоқда. Айни вақтда шаҳар ҳудудидаги 6 та маҳалла оқсоқоллари бошчилигида «Иссиқлик манбаи» корхонаси мутахассис вакиллари ишти-

Кечагина елкасида кетмон, қуёшда қорайиб юрган деҳқон бугун фермерман деб кўксига уриб турса, унинг қувончларига бешиқ бўлиб турган Мустақилликдан сув ўғириб ичсанг арзийди. Фермерларни кўриб «зап замон бўлди-да» деган ҳайратларни ҳар қадамда эшитасиз.

Мен уч фермерни биланман. Иккиси ўтмишда ер азобини бошидан кечирган. Шунинг учун ер қадрини билади. Биринчиси Эрмат фермер. Унинг бошидан ўтганини бир илга тизиб берай.

Отаси вафот этгач, ўн икки ёшида онаси билан қолзога чиқиб ишлай бошлаган Эрмат бўйдан баланд кетмонини қўлга бўйсиндирди. У пайтларда ҳар бир бригадда аъзосига 2-3 гектардан ер ажратилиб, қозик қўқиларди. Шу ернинг яғнаси ва чопиғи ҳар бир ишловчининг зиммасида бўлиб, пахтаси пишиб терилгач, умумий хирмонга қўшилиб кетарди.

Эрмат ҳам онасига ажратилган 2 гектар ерда кетмон чопар, ҳар бир ишни пухта бажаришга, ерни алдамасликка ҳаракат қиларди. Айниқса, чопик даврида ҳар бир бегона ўтти томири билан қўприб, эринмай этатка солиб, уватларга чиқариб ташларди. Шунинг учун қўшинлари ёз бўйи 2-3 чопик қилганда, уларга ажратилган майдон бир чопик билан ҳам тоза турарди.

Бир кун ота дала четига келган раис қўлидаги қамчи билан гуриқиб ўсаётган гўзани кўрсатиб сўради:

— Ў, бола, бу ер қиммики, қимми қарашли?

Онасини кўтиб турган Эрмат раисдан раҳмат эштаман деган ниятда:

— Меники, раис бува, меники, — деб мағрур жавоб берди.

Бу мағрурлик раиснинг ҳамиятига тегди, авзойи ўзариб, юрагидagi қазабни қўлидаги қамчига кўчирди.

— Бу ер қолхозники, давлатники. Сен ярамас меники деган гапни қаердан топдинг? — деб раис уни қамчи

Янгийул туманидаги Халқобод, Янгийул шаҳридаги Аноркулова даҳаси, Уртачирчик туманидаги Чигирик ва Туябўғиз масканлари аҳолиси юқори тезкор рақамли телекоммуникация хизматларидан баҳраманд бўла бошладилар.

Тошкент тумани Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам замонавий телекоммуникация маркази ўз фаолиятини бошлади. Бу станциялар қурилмалари «Тошкент телеком» филиалининг техник ишлаб чиқариш лабораторияси муҳандислари томонидан монтаж қилинди.

Ақбар АЛИЕВ.

маганида, бўёғи нима бўлиши Яратганга аён эди.

Мана шу бола «меники» деган сўзни қирқ йил озғиза олмади. Қирқ йил нима топса қолхозники, давлатники деб яшайди. Элиқандан ошганда Мустақилликни кўрди. Менга ҳам ер беришармикан, деб елка қисиб борди, ер олиб, елкасини тоғдай кўтариб қайтди.

Хозир 100 гектардан ошдик ери бор. Ярни пахта, ярни галла. Техникаси, даромади кўнгилдагиди. Яқинда катта бир йиғилишда, тажрибалирингиздан гапириб беринг, деб унга сўз берилди. Эрмат фермер гапни шундай бошлади:

— Азизлар, менинг 106 гектар ерим бор, унинг ҳар бир қаричини нондай азиз биламан...

У қилаётган ишларини эринмай гапириб берди. Келиб жойига ўтирганда елкаси бир титраб кетди: «меники дедим-а...»

Эътироф

Энди навбат Ўсарали фермерга. У ҳақда ҳам айтса айт-гулик гаплар бор.

Ўсарали фермер илгари тракторчи бўлган. Ер ҳайдаган, ишлов берган, дори сепган, пахта ташиган. Топгани дастурхондан ортмаган, ортиқча қўйлагич бўлмаган. Ҳовлисидаги бир сигири кунига яраб турарди. Нима бўлди-ю...

Хуллас, трактори билан гўзаларни дефоляция қилиб бўлгач, мазаси қочиб, ётиб қолди. Дори-дармон ёнига

лицини эса, қўприб ташлади. Бошига қанча ташвиш орттирган бу ишни йиғиштириб қўя қолди. Эски дард яна кўзгалди, охири ногирон бўлиб қолди.

Фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки кунларда-ноқ кўнглига бир ният солди. «Болаларим эр этиб қолди, озгина ер олсаммикан, зора далалар билан бўлиб дард ҳам араса...»

Ўсарали фермер бўлди, соғлиғи кунма-кун яхшиланди, отдай бўлиб кетди. Қўрганга «мени қуёш доғида» деб қўяди. Ҳа, айтмоқчи, дала шийони ёнида қичкина ферма қурди. У ерга зотдор сигирлардан 5 тасини боғлаб қўйди. Сут, қатик ва сариёғ ўзидан. Қишлоғидagi болалар ботчасига ҳар кун 20 литр сут бериб юборди. Сўраганларга «фермага олиб кетилган сигирим қайтди, шунинг сўти» дейди. Ерни ҳеч қимми ишонмайди, ўғилларига қаттиққўл, ердан кўзининг узма, дейди уларга. Мана шунча гаплар.

Энди учинчи фермерга келсак, у ҳақда айтганимиз гапим кўп эмас. Уни Ботир фермер дейишади. Ҳали ёш. 2000 йилда олий маълумотли агроном бўлди. Қолхознинг тузоридадан ўтин кесиб, уч йилга қамалган отасининг далдаси билан фермер бўлди. Икки йил қийналди, ҳозир энг илғор фермерга айланди. Топганини элики, қолгани меники дейишга ўрганди. Бировни норози қилмади, насибаси улғу бўлди...

Ўзим таниган уч фермернинг манзилини айтмайдим. Жуда билгингиз келса, атрофингизга зийракрок қаранг, бунақалар тўлиб ётибди. Ахир замон фермерлар замони бўлди-ку...

Бугун оқлик киши оппоқ далаларга борсангиз уларни, албатта, қўрасиз. «Менинг далаларим, менинг пахталарим», деб қувониб юришибди.

ҲАМИД НОРКУЛОВ.

Қарор Ва ижро

ИККИ МИНГ БОШ НАСЛДОР МОЛ

Президентимиз Исроом Каримовнинг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини қўпайтириш, рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа ривожига муҳим омил бўлаётди.

Мамлакатимизда чорвачиликка ихтисослашган 10 мингга яқин фермер ҳўжалиқларида 400 минг бош қорамол, 900 минг бош қўй-эчки, 15 мингдан ортиқ от боқилаётди. Шунингдек, бир миллиондан зиёд парранда парвариланмоқда.

Чорванинг сони четдан келтирилган зотдор моллар ҳисобига ҳам қўпаймоқда. Ҳозирга қадар хориждан икки мингга яқин наслдор мол олиб келинди. Жумладан, Южоричирчик туманидаги «Тано» насличлик фермер ҳўжалиғига 400 бош наслдор сигир келтирилди.

Мирзачўл туманидаги «Ишил денгиз» фермер ҳўжалиғида хориждан келтирилган юқори махсулдор моллар маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилиб, насли бу-

зоқлар олинмоқда. Чорвачилик махсулоти-ларининг қўпайиши қайта ишловчи корхоналар сонининг орттишига хизмат қилаяпти. Чиноз туманидаги «Юлдуз» фермер ҳўжалиғи Германиядан келтирилган сигир соғиш аппаратуралардан фойдаланаётди. Тўлиқ компьютерлаштирилиб, замонавий жиҳазланган фермада сут соғиш ва ундан махсулот тайёрлаш йўли қўйилган.

Чорва молларининг қўпайиши зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари тармоғини кенгайтиришини тақозо этаётди. Айни пайтда бундай хизмат кўрсатиш шохобчалари ва пунктлари сони қарийб уч мингга етди. Уларда ўтган йили икки миллион сўмлик яқин пуллик хизмат кўрсатилди.

УЗА.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уйда жойлашган «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

Нархлари ошиб бориш тартибидан, 2007 йилнинг 30 октябрга ва 6, 13, 20, 27 ноябрь кунлари соат 11.00 да қуйидаги кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдода, Тошкент вилояти Уртачирчик тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хижоат ишлари бўйича Уртачирчик тумани судининг 2004 йил 11 июндаги 1207-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Уртачирчик тумани, О. Шарафутдинов кўчасида жойлашган, фойдали майдони 447,63 кв.м. бўлган, таъмирталаб «Чойхона бино ва иншооти».

Бошланғич баҳоси — 27 364 000 сўм.

Кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегилли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган қийматда заҳфат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санаи кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»нинг Шайхонтохур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933860, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Шунингдек, қуйидаги кўчмас мулк аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади: Тошкент вилояти Янгийул шаҳар туман суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 15 сентябрдаги 76-сонини ҳамда «Ташкентнинг правда» газетасининг 2007 йил 15 сентябрдаги 77-сонидан чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларига чиқарилган, қарздор «Кичкинтой» ОАЖга қарашли кўчмас мулклар савдодан олинди.

Савдодан олишга асос: Янгийул шаҳар суд ижрочилари бўлимининг 2007 йил 21 сентябрдаги 458/2-сонли хати. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Ер юзида биологик хилма-хиллик, табиий ва маданий ресурслар муҳофазасини таъминлаш учун махсус ҳудудлар ажратилган. Уларга кўриқхона, миллий боғ, давлат буюртмаҳоналари, резерват каби махсус ажратилган жойлар киради. Бундай ҳудудларда табиат маъмуаси тўла муҳофаза қилинади. Шу сабабли кўриқхоналарда инсоннинг ҳар қандай ҳўжалик фаолияти тақиқланади. Миллий боғлардан эса фақат дам олиш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

сади, унинг асосий вазифалари ва илмий қўймати таъминлайди. Аксарият муҳофаза қилинадиган ҳудудлар йирик шаҳарлардан узоқда, тоғли ҳамда қўлларда жойлашганлиги сабабли бўлса керак, тўб аҳоли зарур экологик ахборот, таълим манбалари

аммони бир мўнча чигаллаштиряпти. Аҳолининг кўриқхонага салбий таъсирини бартараф этишда тушунтириш-тарғибот ишлари сифатини ошириш лозим. Чотқол кўриқхонасида равоч, мадор ўсимликларида ноконуний фойдаланиш ҳоллари кузатишмоқда. Бундай ўсимликларни мўнтазам сотадиган шахслар йил давомида яхшигина даромад ҳам қилишади. Боз устига ноконуний ов биологик хилма-хилликка кўчли зарар етказаяпти.

Тўғри, республикада кўриқхона тартибини бузганлиги учун маъмурий ва жиноий жазо чоралари белгиланган. Лекин қўнўбузарларнинг ҳаммасини жавобгарликка тортишни иложи бўлмайди. Шунинг учун бу йўналишда мавжуд бошқа чора-тадбирларни ҳам ишга солиш зарур. Биринчи гада, аҳолининг хабардорлигини ошириш мўҳим ҳисобланади. Бунда аҳолига кўриқхонанинг аҳамияти, вазифалари, белгиланган тартиб бузилган ҳолатлар учун жавобгарлик масалалари атрофида тушунтирилиши лозим. Бу фаолиятни амалга оширишда мактаблар, бошқа таълим муассасаларининг роли катта. Тарғибот ишларини амалга оширишда маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш яхши самара беради. Кўриқхона муҳофазасида тўб аҳолининг иштирокига бағишланган радио эшитириш ва телекўрсатувлар, мактаблар ушбу фаолиятдаги мўваффақиятни белгиланган омилилардан саналади. Шунингдек, масъул шахслар, кўриқхона ходимларининг малакасини оширишни ҳам унутмаслик зарур.

Кўриқхона яқинида жойлашган мактабларда ўқув дастурларига биологик хилма-хилликни асраш бўйича зарур қўйимчалар киритиш, биологич, география фанларини ўқитишда махсус соатлардан фойдаланиш мақсадга мўвофиқ. Мактабларда махсус тўғараклар ташкил қилиниб, уларда кўриқхона идораси билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш, фойдадан холи бўлишди.

Абдусалим РАХИМОВ, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозир.

НОЁБ ҲУДУДЛАРГА ЭЪТИБОРЛИМИЗМИ?



ўз вақтида етарли молиявий ёрдам кўрсатилмаса, аср охиригача уларда бу гўзалликдан асар ҳам қолмаслиги мумкин.

Табиий бойликларга нисбатан шу тариха эътиборсизлик қилинар экан, кўпга инсонлар ва улар яратган маданиятнинг сақланиши ҳам хавф остида қолади. Айтиш мумкинки, муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ёввойи табиат жамолидан баҳраманд бўлишни хоҳловчилар учун кўнгли ёзиш маскани сифатида ташкил қилинмайди. Шунга қарамай, аҳолининг кўпайиши ва улар эътиёжининг ўсиши натижасида муҳофаза қилинадиган ҳудудлардаги биологик ресурсларнинг камайиши кўчаймоқда.

Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида биологик хилма-хилликни сақлаш асосан кўриқхоналарда амалга оширилади. Шунингдек, уларда фақатгина илмий тадқиқот ишларигагина рухсат берилади. Лекин кўпгина аҳоли кўриқхонанинг асл мақ-

ва воситалари билан етарли таъминланмаган.

Шу билан бирга кўриқхоналарнинг дахлсизлигини таъминлаш учун бир қатор иқтисодий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш лозим. Энг аввало, қишлоқлар аҳолисини кўриқхоналарни бошқариш фаолиятига жалб қилиш, кенг омма ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш лозим. Кўриқхоналарнинг ҳимоя зонасида экологик туризмни ривожлантириш энг асосий масалалардан ҳисобланади. Чўнки туризм маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, кўриқхонанинг молиявий аҳолини яхшилаш имкониятини бериши мумкин.

Угам-Чотқол миллий боғи ҳудуди ва Чотқол кўриқхонаси яқинида жойлашган аҳоли пунктларида ҳам бу масалалар эътиборга молик. Чорвачилик ривожланган сари кўриқхоналар ҳудудида ноконуний мол боқиш ҳоллари кўпаймоқда. Баъзан назоратчиларнинг етишмаслиги ҳам му-

Агар бирон киши ўқитириладиган ҳашар ёки экологик тадбирда баҳоли-қудрат қатнашиб, барча қатори елкама-елка турмаса уят ҳисобланади. Шу пайтда нуруний отахон-онахонларимиз дарров ўша маҳалладошимизни тартиб-интизомга чақириб қўйишади.

Айниқса, вилоят ҳокими-нинг шу йил 23 майдаги «Вилоятнинг шаҳар ва туманларида тозалик ва ободонлаштириш ишларини ташкил

этиш тўғрисида»-ги фармойиши саъй-ҳаракатларимизни янада жонлантириб юборди. Унда белгиланган талаблар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудда жойлашган қорхона, ташкилот, муассасалар жамоалари ҳамда аҳоли биргаликда турли ҳашарлар ўтказмоқда. Ҳашарлар давомида кўчалар, ариқлар тозаланмоқда, дов-дарактлар тартибга келтирилмоқда. Уларни ташкил этишда маҳалла фаоллари фуқаролар

ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боришдан чарчашмаяпти.

Муҳаббат КҮЧИМОВА, Қибрай тумани «Мухтор» маҳалласининг диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Илк Қизил кумоф

Йўқ бўлиб кетаётган ҳайвон турларига бағишланган дастлабки махсус китоблар 1945 йилдан нашр қилина бошлаган.

Лекция глобал қизил китобни ҳамда камёб, йўқ бўлиб кетish хавфи остидаги ҳайвон турлари рўйхатини тузиш ва юритишнинг илк босқис 1948 йилда ташкил этилган Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (ТМХИ-ЮСН) маъсубидр.

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Аввал хабар берганимиздек, вилоятимиз ҳудудида ўтказилаётган «Тоза ҳаво» тадбирининг иккинчи босқичи низоҳасига етди. Ушбу тадбир вилоят ҳудудида жойлашган автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи, уларга техник хизмат кўрсатувчи ва ёқилғи қўйиш шахобчаларида ўтказилди.

Бунинг учун вилоят ички ишлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, «Ўзбекнефтгазсаноат» инспекцияси ҳамда қўмитаси ходимлари ўзаро ҳамкорлик қилишди.

Энг аввало, шаҳар ва туман қўчаларига ойлик тадбирни тарғиб қилувчи широпанно ва баннерлар ўрнатилди. Ташкилот, қорхона, муассаса ҳамда маҳаллаларда тадбирнинг моҳияти, аҳамияти ва унинг вазифалари тўғрисида 200 дан зиёд суҳбатлар ўтказилди.

Тадбир давомида мўваффақлаштирувчи кенгаш режа-жадвалига асосан 6 та автотранспорт воситаси кўриқхонадан ўтказилди. Карбюраторли 142 та автоулов зарарли газ микдори нормативи бўйича текширилганда уларнинг 5 тасида газ мейёри ортқичалиги аниқланди ҳамда жойида озиқланди. 3 та автомобилнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилиб ҳамда 31 минг сўм жаримага тортилди. Дизель ёқилғисидан ишлайдиган 50 та улов назоратдан ўтказилганда, 3 тасида тўтун микдори мейёридан анча ортқилиги маълум бўлди.

Айниқса, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан биргаликда олиб боришган ишларнинг катта самара берганлигини таъкидлаш жоиз. Ҳамкорликда тасдиқланган режага кўра 16 та пост ва ИПХ масканида жами 7614 та автотранспорт воситаси кўриқдан ўтказилди. Улардан 6995 тасида зарар-

ли газлар микдори текширилганда, 610 тасида салбий кўрсаткичлар юқорилиги, 619 та автоуловдан 2 тасида зарарли тўтун микдори мейёридан юқорилиги эътироф этилди.

Тадбир мобайнида саноат субъектлари ва автотранспорт воситаларидаги ҳолатлар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Улар ҳудудида ва ташқарида ҳаракатланувчи 621 та улов кўриқдан ўтказилди. Бунда 483 та транспорт воситасининг 33 тасида зарарли газ микдори ҳамда 138 тасининг 7 тасида тўтун микдори мейёридан ортқилиги қайд қилинди.

Бундан ташқари, тадбир давомида 4 мансабдор шахсон «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонун талабларини қўполик билан бузганлиги учун 62 минг сўм микдорида жарима ундирилди.

Автотранспорт қорхоналари устидан назорат олиб боришда Олмалик, Пскент, Бекобод минтақавий ва Зангиота туман қўмиталарида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан ўзаро алоқалар яхши йўлга қўйилганлигини таъкидлаш ўринли.

Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газ ва тўтун микдорининг ортқилиги бўлиб қўймаслик учун бу соҳадаги ишларни доимий назоратга олди.

Ҳожимурод ТҶИЧИЕВ, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш махсус нозирлиги бошлиғи, вазифасини бажарувчи.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ...

Республикаимиз Мустақилликка эришгач, бошқа жаҳалар қатори атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик вазиятни яхшилашга эътибор қўйди. Хусусан, табиатни асраб-авайлашга доир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Уларда белгиланган талаблар ижросини таъминлашда бўстонлик туман табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ҳам ўз ваколати доирасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида тумандаги мавжуд қорхона ва ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда экологик мейёрий ва рухсат эътибори ҳужжатлар тайёрлашга катта эътибор берилди. 4 та қорхонада рухсат этилган чекланган чиқинди чиқариш мейёрий лойиҳаси, 7 та қорхонада чиқиндилар ҳосил бўлиш нормативлари ва уларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, 6 та қорхонага сувдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома олинди.

Ишимазида яна бир мўҳим жиҳат – бу табиий бойликлардан оқилана фойдаланиш ва уларнинг муҳофазасидир. Бу борада ҳам яхши натижаларга эришилаётир. Бунда қорхона раҳбарларининг инсон ҳаёти, қолаверса, ҳайвонлар ва дов-дарактлар учун гоётда мўҳим бўлган сув манбаларидан айланма, қайта фойдаланиш тизими-га ўтишга кечиктириб бўлмас вазифа сифатида қараётганликлари мўҳим қадам бўлмоқда. Айтиш мумкинки, бундай чора-тадбир ўз навбатида сув исрофгарчилигини қисқартиришга, канализация қувурлари, тозалаш иншоотларининг ортқича оқова сув ҳажмига сарфланадиган қувурларини пай-сайтиришга ҳамда уларнинг иш самардорлигини оширишга ёрдам бераётир.

Шу ўринда бир мисол. Март ойида «Чирчиқўштасовдо» очик акциядорлик жамиятида совутичларда ишлатиладиган сувдан айланма усулда фойдаланиш жорий қилинган эди. Бунинг натижасида йилга канализация қувурига оқизилаётган 57,7 минг куб метр шартли тоза сувга барҳам берилиб, шу микдордаги ичимлик сувининг тежаллишига эришилди. Ҳозир тумандаги 12 та қорхонада сувдан айланма тарзда фойдаланиш тизими мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти натижасида йилга 3958,7 минг куб метр сув тежалмоқда.

Бундан ташқари, атмосфера ҳавосининг мўсафолигини сақлашга ҳам жиддий ёндашилмоқда. Масалан, «Хумсон санаторийси» очик акциядорлик жамиятида маъзут ёниғисидан ишлайдиган

қозонхона электр қувватида ўтказилди. Энди киши мавсумда қозонхона тўлиғича электр энергияси ёрдамида ишлаб ботилади. Хисоб-китобларга қараганда, биргина шу иш таъсирида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган 14 тонна ифлослантирувчи моддаларга барҳам берила экан.

Бироқ қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда ноқуш ҳолатлар ҳам учраб турибди. Айрим қорхона ва ташкилот раҳбарлари экологик қонунчилик талабларига риоя қилмаётганликлари кишини ажаблантиради. Улар содир этаётган қонўнбузарликлардан кўз юмиш мумкин эмас. Шу йилнинг ўзида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир қонун талабларини бузган 11 мансабдор шахсга 472 минг сўм ҳамда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»-ги Қонун талабларини писанд қилмаганлиги учун 7 кишига 184 минг сўм жарима солинди. 6 мансабдорга эса чиқиндиларни жойлаштиришда қонундан оғишганлиги қимматга тушди. Уларнинг бу ҳатти-ҳаракати 159 минг сўмлик жаримага сабаб бўлди.

Ачинарлиси шундаки, бундай ҳолатлар оддий фуқаролар томонидан ҳам содир этилмоқда. Қўмита ходимлари ўтказган мониторинг ва рейдлар натижасида 40 фуқаро қонун талабларини кўр-кўрона бузганлиги аниқланди. Уларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо қўлланиб, 497 минг сўм микдорида жарима ундирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, экологик вазиятни соғломлаштириш фақатгина қўмита ходимларининг иши бўлиб қолмаслиги зарур. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, она-табиат олдидagi масъулиятимизни янада чуқурроқ ҳис этган ҳолда унинг бойликларини кўз қорачигидек асраб-авайлашга ўз ҳиссамизни қўйишимиз лозим.

Ақром ҒУЛОМОВ, Бўстонлик тумани табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси, давлат нозир.

Табиат ва инсон

Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси

ХИРА БЎЛСА ҲАМ ҲИМОЯДА


Баъзан пашшаларнинг гингиллашидан, айниқса хиралигидан безор бўламиз. Лекин буни қарангки, уларнинг айримлари муҳофаза остига олинган экан.

Қожовников гингиллашаси – қисқариб бораётган ҳамда мозаик тарзда тарқалган эндемик тур ҳисобланади. У Чимён, Чотқол, Оқтош ҳамда Нурота текисликларида тарқалган. Бундан ташқари, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам учрайди. Дарё сатҳидан 1300-1800 метр баландликдаги тоғларнинг кенг япроқли ўрмонларида яшайди. Илгари улар кўп эди, кейинги ўн йилликлар давомида кескин кама-

йиб кетди.

Йилига бир неча марта насл беради. Урчиши ва туҳум қўйиши майдан-сентябргача. Ўзи лабгулдошлар ва соябонгулдошлар гулларида озиқланса, личинкалари дарахтларнинг шарбати билан кўн кўради.

Бу пашша турининг камайиб кетишига дарахт ва буталарни кесиб ташлаш, личан тайёрлаш ҳамда яйловлардан чорвачилик мақсадида ҳаддан ташқари




фойдаланиш ҳолатлари сабаб бўлаётир. Устига-устак, уларни кўпайтириш чоралари кўрилмаган.

Ҳозирда Нурота, Чотқол кўриқхоналарида ва Угам-Чотқол давлат миллий боғида муҳофаза қилинади.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ




ТУРКИСТОН АГАМАСИ – асосан тоғли ҳудудларда яшайди. Вояга етган ағаманингузунлиги 40-50 сантиметрга етади. Дарахтларнинг йўғон танаси бўйлаб яхши ўрмалаб баландга кўтарилди. Ургочиси қўялар ёриғига 10 тадан 11 тагача туҳум қўяди. Ҳашаротлар ва ўргимчаксимонлар билан озиқланади.



СЎҚСУР – республикаимиздаги сув ҳавзаларида уя қурмайди, лекин қўшларнинг баҳорги ва қўзги учиб ўтиши вақтида кўп учрайди.

Чиройилиги билан бошқа турлардан фарқ қилади. Эркагининг бўйини узун, қанотлари энсиз ва думи ингичка бўлади. Ургочисини чироп тўсида бўлиб, кўп белгилари билан ёввойи ўрдакка ўхшайди.



КЎК СУҒУР – йирик кемирувчилардан бири. Узунлиги 50 см, вазни 5 килограммга етади. Фақат Ғарбий Тянь-Шанда тарқалган. Бошқа суғурлар каби йирик, оёқлари қалта, бақувват, ер қазигча мослашган бўлади. Чўқурлиги 3 метрга етadиган ин қазийди ва тўда бўлиб яшайди. Қишда уйкуга киради. Кўк суғур кам қолган тур бўлиб, «Қизил китоб»га киритилган.



ШАЛПАНГУЛОҚ КИРПИ – Ўзбекистонда текисликларда, тоғ етакларида ва воҳаларда тарқалган. Тунда ҳаёт кечиради. Қишда уйкуга киради. Ҳашаротлар билан озиқланади, камдан-кам ҳолда бақаларга, илон ва кемирувчиларга ҳужум қилади. Фойдали ҳайвон турларига киради, шунинг учун уни эҳтиёт қилиш керак.



ЎРТА ОСИЁ ЧЎЛ ТОШАКАСИ – Ўзбекистондаги текисликларнинг деярли ҳамма жойида тарқалган. Баҳор давомида ургочи тошбака олдидан қазиб қўйган қукурчага 2-3 марта оқ рангли қаттиқ пўст билан қопланган туҳум қўяди. 70-80 кунда улардан ёш тошбакачалар чиқади.

